Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

● 2012-yil, 22-dekabr. Shanba ● 151-152 (31.584) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 декабрь куни Оқсаройда Қозоғистон Республикаси Бош вазири Серик Ахметовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон учун Қозоғистон билан ҳамкорлик ҳар доим устувор бўлиб келгани ва шундай бўлиб қолишини таъкидлади. Ўзбекистонда Қозоғистонга вақт синовидан ўтган ишончли ҳамкор ва яқин қўшни мамлакат сифатида қаралади.

Ислом Каримовнинг 2012 йил сентябрь ойида Қозоғистонга расмий ташрифи давомида Нурсултон Назарбоев билан ўтказилган самарали музокаралар ҳозирги даврдаги деярли барча масалалар юзасидан томонларнинг позиция ва ёндашувлари ўхшаш ҳамда яқин эканини намойиш қилди.

Икки мамлакат Президентлари Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар мамлакатларимизнинг узоқ муддатли стратегик ҳамда миллий устуворликлари умумийлигига қатъий ишонч, шунингдек, давлатларимиз олдида турган кенг кўламли мақсад ва вазифаларни ҳамкорликда ҳал қилишга интилиш асосига қурилгани ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолиши тўғрисида якдил фикр билдирдилар.

Сўнгги йилларда давлатларимиз долзарб масалалар бўйича кўп томонлама тузилмалар доирасида бир-бирининг принципиал позицияларини доимий равишда қўллаб-қувватлаши тенденцияси кузатилмоқда.

Мамлакатларимиз минтақада сувдан одилона фойдаланиш тизимини ривожлантириш масаласида келишилган ягона позицияга эга бўлиб, у икки давлат Президентларининг 2012 йил 7 сентябрда имзоланган Қўшма баёнотида мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур ҳужжатда сув-энергетикага оид масалаларни, жумладан, трансчегаравий дарёларда янги гидротехник иншоотлар қуриш масаласини БМТ конвенциялари ва минтақадаги барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, албатта халқаро мустақил экспертизадан ўтказиш орқали ҳал этиш кўзда тутилган.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий ҳамкорларидан биридир. Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ва барқарор ривожланмоқда. 2011 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 47 фоиз ўсган ва 2,8 миллиард АҚШ долларига етган. 2012 йилнинг ўн ойида ушбу кўрсаткич 2,3 миллиард долларни ташкил қилди.

Серик Ахметов самимий қабул учун давлатимиз раҳбари Ислом Каримовга чуқур миннатдорлик изҳор этди ва Қозоғистон барча соҳаларда Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришдан ғоят манфаатдор эканини таъкидлади.

Учрашувда мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлиги ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА

ФРАКЦИЯ БЮДЖЕТ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2012 ЙИЛ 9 ОЙЛИК ЯКУНЛАРИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛИБ, ДЕПУТАТЛАР ТОМОНИДАН ҚИЗҒИН МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

ЙИҒИЛИШДА ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ, ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ЭКСПЕРТЛАРИ, МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ, ТЕГИШЛИ ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАР, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

(Давоми 2-бетда.)

ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН КЕЛГАН ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ СЕРИК АХМЕТОВ 21 ДЕКАБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ БИЛАН УЧРАШДИ. СУҲБАТ ЧОҒИДА ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҚОЗОҒИСТОН ЎРТАСИДАГИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ БУГУНГИ АҲВОЛИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИГА ОИД МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

Икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча жабҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий ва гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йил сентябрь ойида Қозоғистонга расмий ташрифи ўзаро муносабатларни янги юқори босқичга кўтариш учун имкониятлар яратгани қайд этилди.

Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларининг ҳуқуқий асосини юздан зиёд ҳужжат ташкил этади. Бу ҳужжатлар орасида эркин савдо, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочишга оид битимлар бор. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик борасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий этилган.

С.Ахметов Қозоғистонда Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларни кенгайтиришга устувор йўналиш сифатида қаралишини қайд этди.

– Ўзбекистон қўлга киритаётган улкан муваффақиятлар бизни ғоят қувонтиради, — деди Қозоғистон Республикаси Бош вазири. – Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни турли соҳаларда, жумладан, иқтисодий йўналишда ривожлантириш борасида мустаҳкам ҳуқуқий асос мавжуд. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида 1998 йилда Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома имзоланган. Ана шу ҳужжат руҳида икки томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантиришимиз зарур. Бугунги учрашув мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро истиқболли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Музокарада икки мамлакат Президентларининг учрашувларида эришилган келишувларни амалга ошириш жараёни атрофлича таҳлил қилинди. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Учрашув якунида Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Қозоғистон Республикаси Саноат ва янги технологиялар вазирлигининг техник тартибга солиш ва метрология қўмитаси ўртасида Стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Қозоғистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ўртасида Ишбилармонлик кенгашини тузиш тўғрисида битим имзоланди.

Шу куни юксак мартабали меҳмон пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройини бориб кўрди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

«O'zbekiston ovozi» saytida o'qing

QONUN IJROSINI TA'MINLASH

aholi salomatligini saqlashda, atrof-muhitni muhofaza qilishda muhim o'rin tutadi

www.uzbekistonovozi.uz

Соғлом авлод — юрт таянчи

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ЁШ АВЛОДНИ МАЪНАН ЕТУК, ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ МАҚСАДИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ИШИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА АЛОҲИДА ЭТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ВИЛОЯТДАГИ МАВЖУД МИНГДАН ОРТИҚ ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ЮЗАСИДАН ТЕГИШЛИ ЧОРА-ТАРБИРЛАР КЎРИЛАЯПТИ.

БОЛАЛАРГА ЭТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭТИБОР

Айниқса, қишлоқ жойларда болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш, бу масканларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича белгиланган дастурга кўра, уларнинг аксариятида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Улардан бири Булунғур туманидаги «Мойчечак» болалар боғчаси бўлиб, ушбу боғчада 200 нафардан зиёд кичкинтой тарбияланаяпти.

— Жамоамизда меҳнат қилаётган 30 нафар тарбиячининг барчаси ЎзХДП аъзоси, — дейди «Мойчечак» болалар боғчаси мудираси Хурсаной Сулаймонова. — Шу боис партиямизнинг туман кенгаши билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ўтказиб келаяпмиз. Хусусан, жорий йилда Булунғур туман кенгаши билан биргаликда 10 дан ортиқ учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этдик. Шунингдек, жамоамиз ходимларининг сиёсий-ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган тадбирларга ҳам алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

— Мен ушбу болалар боғчасида 20 йилдан бери ишлаяпман, — дейди тарбиячи Татьяна Федорова. — Бугунги кунда муассасамиз қошида гимнастика, рақс, мусиқа, рассомчилик синфлари ўнлаб тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Болажонларимизнинг қизиқиши, иқтидорига қараб уларни турли тўгаракларга йўналтирганмиз. Машғулотлар аниқ жадвал асосида олиб борилади.

— Тарбияланувчиларимиз саломатлиги доимий эътиборда, — дейди ҳамшира Мавлуда Суярова. — Давлат яратиб берган шароитдан ташқари ҳомий ташкилотларимиз томонидан ҳам дори-дармон, тиббий жиҳозлар етказиб берилмоқда.

— «Мойчечак» мактабгача таълим муассасаси мамлакатимизда болаларга яратилган шарт-шароитларнинг ёрқин бир кўриниши, — дейди Булунғур туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими услубчиси Айша Ҳайдарова. — Бу ерда соғлом авлод тарбияси учун зарур имкониятлар яратиб берилган.

Дарҳақиқат, бу маскандаги бахтли болаларга қараб кўнгил беихтиёр яйрайди, юртимизда соғлом, баркамол авлод орзуси йўлида катта амалий ишлар қилинаётганига яна бир бор иқрор бўласан киши.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП электорат манфаати

МАҲАЛЛА – АҲОЛИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ

лойиҳаси якунлари таҳлил қилинди

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ КАТТА. ШУНДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ «МАҲАЛЛА — АҲОЛИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ» ТЎРТ БОСҚИЧЛИ ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРДИ. УНГА КЎРА, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИ МОБАЙНИДА ДАСТЛАБ МАҲАЛЛАЛАР, ТУМАН ВА ШАҲАРЛАР МИҚЁСИДА ҚАТОР ТАДБИРЛАР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИЛДИ.

Куни кеча мазкур лойиҳа якунлари ва келгуси вазифалар муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Марказий банк, Хотин-қизлар қўмитаси, Солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакиллари ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари мутахассислари қатнашди.

Таъкидлаш жоизки, лойиҳа аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган фармон ва қарорлар бажарилиши, тегишли қонунлар ижросини ўрганиш, давлат бюджетидан ажратиладиган ижтимоий нафақа ва ёрдамнинг аниқ манзиллилигини таъминлаш, бу борада аҳоли орасида кенг қамровли тушунтириш ишларини кучайтириш мақсадида амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда.)

Баркамол авлод орзуси

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШ БОШ МАСАЛА

→4

ФРАКЦИЯ БЮДЖЕТ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ

Бюджет ижроси бўйича берилган ахборотга кўра, жорий йилнинг 9 ойида ялпи ички маҳсулот 8,2 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,2 фоиз ўсган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7,1 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми эса 9,8 фоизга ошган.

Маълумки, 2012 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури амалга оширилиб, таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш вазифасига алоҳида эътибор берилмоқда. Аниқ мақсадга йўналтирилган чораларнинг амалга оширилиши, бюджет ижросининг самарали ташкил қилиниши натижасида жорий йилнинг ўтган даврида 770 мингдан ортиқ, жумладан, қишлоқ жойларда 490 мингга яқин янги иш ўринлари очилгани ЎзХДП электорати манфаатлари ҳимояси таъминланишида муҳим аҳамият касб этиши эътироф қилинди.

Фракция йиғилишида таъкидландики, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш ва оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш бўйича қатор ишлар бажарилаётир. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «Оилаларнинг ижтимоий-маиший шарт-шароитларини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ маиший техника буюмлари ишлаб чиқариш, хусусий уй-жойлар қурилаётган қишлоқ массивларида маиший хизмат объектларини ташкил қилиш, маиший техника хариди учун истеъмол кредитлари ажратиш бўйича мақсадли прогноз кўрсаткичлар тасдиқланган.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Фракция аъзолари давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳани ривожлантириш, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини эътироф этди. Депутатлар давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлиги йил сайин ошиб бораётганини, бу ЎзХДП дастурий мақсадлари амалга ошиши, электорат манфаатлари ҳимоя қилиниши имкониятларини кенгайтиришини таъкидлашди.

Йиғилишда Давлат бюджетида аҳоли бандлигини таъминлаш, ёлғиз кексалар, имконияти чекланган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, кам таъминланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун кўзда тутилган маблағларнинг мақсадли сарфланишига эътибор қаратилди.

Улуғбек ЗОКИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар кўмитаси аъзоси:

— *Мамлакатимизда муваффақият билан амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат натижасида давлат бюджети харажатлари ҳажми йил сайин кўпайиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойи давомида* ***аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалалар учун*** *Давлат бюджетидан жами* ***14864,1 миллиард сўм*** *маблағ ажратилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23,6 фоиз кўпдир.*

Давлат бюджетининг қарийб 59,4 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадларига йўналтирилган.

Ижтимоий соҳа харажатларининг 58,1 фоизини ташкил этган Таълим муассасалари таъминоти ва уларни ривожлантириш харажатларига Давлат бюджетидан 5125,8 миллиард сўм маблағ ажратилган. Ижтимоий соҳага ажратилган маблағларнинг 24,7 фоизи аҳоли соғлигини сақлашга йўналтирилган. **Бу партиямиз Сайловолди дастурида ижтимоий ҳимояни кучайтириш юзасидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга, яъни электорат манфаатлари ҳимоясига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.**

Шунингдек, йилнинг ўтган даври мобайнида ёлғиз кексалар, кўмакка муҳтож қариялар ва ногиронларнинг ижтимоий таъминоти билан боғлиқ харажатларга 61,8 миллиард сўм маблағ ажратилган. Бу маблағ асосан қариялар ва ногиронлар учун мўлжалланган санаторий ва интернат-уйлар таъминоти, реабилитация марказлари, ногиронларни ўқитиш ва иш билан таъминлаш харажатлари ва ижтимоий таъминот билан боғлиқ бошқа харажатларга йўналтирилган.

Комил ОЧИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ҳисобот даврида Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари режаси 100,4 фоизга бажарилган. Жамғарманинг жами харажатлари 5368,4 миллиард сўмни ташкил этиб, 114 минг нафарга яқин фуқарога пенсия ва нафақалар тайинланган.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисоб рақамларига 26,7 миллиард сўм маблағ тушган.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, давлат бюджетининг самарали ижро этилиши аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлиги ошишига хизмат қилмоқда. Шу боис фракциямиз Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан биргаликда ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши устидан депутатлик назоратини ўрнатиб, шу асосда мутасадди давлат органларига уларни янада самаралироқ амалга ошириш бўйича таклифлар киритиб боришни давом эттиради.

Йиғилишда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасининг даромадларини шакллантириш ҳамда уларни сарфлаш самарадорлигини ошириш юзасидан фракция аъзолари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шунингдек, депутатлар Давлат бюджети ижроси бўйича мутасадди идоралар ва корхона-ташкилотларнинг масъулияти ва маданиятини кучайтириш, бу борада кузатилаётган хатокамчиликларни бартараф этишга қаратилган таъсирчан чораларни белгилаш лозимлигини таъкидлашди.

Йиғилиш якунида ЎзХДП фракцияси Давлат бюджетининг 2012 йил 9 ойлик ижросини қўллаб-қувватлаб, тегишли қарор қабул қилди.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ

ЎзХДП электорат манфаати

МАҲАЛЛА – АҲОЛИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ

лойиҳаси якунлари таҳлил қилинди

Лойиҳа доирасида турли соҳа мутахассислари билан маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳоли вакилларининг амалий мулоқотлари ташкил этилди. Натижада фуқароларни қизиқтирган саволларга малакали жавоб қайтарилиб, юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳалла институтининг ўрнини янада мустаҳкамлашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди. Улар Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тегишли сессияларида муҳокама этилди. Мазкур жараёнда тўпланган умумий таклифлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясига тақдим этиш учун тайёрланмоқда.

Давра суҳбатида лойиҳанинг босқичма-босқич амалга оширилиши билан боғлиқ масалалар бўйича атрофлича фикр алмашилди.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Лойиҳанинг биринчи ва иккинчи босқичларида **аҳолидан тушган мурожаатлар асосида 20 та масала Халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз томонидан сессиялар муҳокамасига киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилган.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Барча тадбирлар доирасида партиянинг кўчма Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилди. Уларда Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари аҳоли вакилларининг мингдан ортиқ мурожаатини қабул қилишди. **Шу кунга қадар уларнинг 70 фоиздан ортиғи ижобий ҳал этилди.**

Лойиҳани амалга ошириш давомида аҳоли бандлигини таъминлаш, жумладан, касаначиликни ривожлантириш орқали ижтимоий ҳимоя самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Тошкент шаҳрининг Бектемир, Миробод ва Мирзо Улуғбек туманларида ўтказилган тадбирлар натижасида электорат вакиллари учун кўплаб янги иш ўрни яратилди. Олмазор ва Ҳамза туманларида уй бекалари ва жисмоний имконияти чекланган фуқаролар ўртасида касаначиликни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этилди.

Сирдарё вилоятининг Ховос ва Сардоба туманларидаги «Истиқлол», «Тинчлик», «Пахтаобод» ҳамда «Чўлқувар» маҳаллаларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини такомиллаштириш орқали янги иш ўринлари яратиш бўйича берилган таклифлар асосида тайёрланган масала Халқ депутатлари туман Кенгашлари сессияларида муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Лойиҳанинг яна бир муҳим йўналиши ҳамкор ташкилотлар иштирокида бўш иш ўринлари ярмаркаларининг ташкил этилгани бўлди. Йил давомида ташкил этилган 30 га яқин ярмаркада кўплаб корхона ва ташкилотлар қатнашди. Натижада 1500 нафарга яқин электорат вакиллари доимий иш ўрнига эга бўлди. Эътиборлиси, уларнинг 45,6 фоизи хотин-қизлар бўлса, 43,7 фоизи ёшлардир.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ушбу лойиҳани 2013 йилда ҳам давом эттириш ниятида. Бунда партиянинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари эътиборни маҳалла, яъни ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятини, унинг ижтимоий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги роли ҳамда таъсирини кучайтириш, шунингдек, маҳаллаларда манзилли ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш жараёнларида фаол иштирок этишга қаратади.

Васила МАҲМУДОВА,
Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Матқобулов номли қишлоқ фуқаролар йиғини фаоли:

— Юртимизда маҳалла қадимдан кишилар ҳаётида муҳим ўрин тутиб келган. Шу боис фаолиятимизда маҳалланинг аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлашдаги ўрнига алоҳида аҳамият бераяпмиз. Айниқса, аҳолини иш билан таъминлаш, жисмоний имконияти чекланган кишиларга кўмак беришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Жорий йилда ўндан ортиқ касб-ҳунар коллежи битирувчилари ҳамда вақтинча ишсиз кишилар ишга жойлашишига ёрдам бердик.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ЎзХДП туман кенгаши билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ташкил этдик. Улар доирасида аҳоли орасида тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси келгуси йилда ҳам ўтказилиши фаолиятимиз самарасини кўтаришда бизга яқиндан ёрдам бериши шубҳасиз.

Шунингдек, давра суҳбатида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигидан Баҳодир Каримов, Солиқ қўмитаси масъул ходими Ғуломжон Мусаев, Марказий банк департаменти директори Актам Сайфуллаев, Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходими Закия Разиқова сўзга чиқишди. Улар аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида ҳамкорликни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишди.

Давра суҳбати қизғин баҳс-мунозаралар руҳида ўтди. Депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари ҳамда турли соҳа мутахассислари «Обод турмуш йили»да лойиҳани янада муваффақиятли ўтказиш, шу мақсадда барча имкониятлардан унумли фойдаланиш юзасидан фикр алмашишди. Мазкур лойиҳа электорат манфаати ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланиб, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Давра суҳбати

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ ТАЪМИНЛАНИШИ

қонунчилик такомиллашишини тақозо этмоқда

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАР ҚЎМИТАСИ «АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ОБОД ТУРМУШ ГАРОВИ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗДИ.

Йиғилишда, аввало, аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат қилиш ҳуқуқи ва шу билан боғлиқ бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш учун зарур шароит яратиб бериш давлатимиз сиёсатининг асосий тамойиллари ҳисобланиши, шу асосда қатор самарали ишлар амалга ошириб келинаётгани эътироф этиб ўтилди.

Бош қомусимизда ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга экани кафолатлангани, ушбу Конституциявий кафолатларни таъминлаш мақсадида қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга жорий этилаётгани таъкидланди.

Йиғилишда аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, кишиларнинг меҳнат қилиш ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, меҳнат қилиш, ҳаёт кечириш бўйича муносиб шароитларни таъминлаш, унумли ва ижодий меҳнат муҳитини ривожлантиришга кўмаклашиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, иш топишда қийналаётган фуқаролар учун мавжуд иш ўринларини сақлаб қолаётган ва янги иш жойлари яратаётган иш берувчиларни рағбатлантириш, иш билан таъминлаш соҳасидаги тадбирларни ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириш мақсадида «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистонда меҳнат бозорини такомиллаштириш, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини яратиш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиги ҳимоя қилинишини таъминлаш, меҳнат унумдорлигини яхшилаш, шулар асосида аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашиш мақсадида Меҳнат кодексининг замон талабларига мувофиқ доимий равишда такомиллаштирилиб борилаётгани юзасидан фикр алмашишди.

Шу билан бирга, мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, барча корхоналар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона тартиб-қоидалар белгилаб қўйиш, меҳнатнинг экологик жиҳатдан хавфсиз шароитлари яратилишини ва иш жойларида атроф-муҳит ҳолати мунтазам назорат этилишини, меҳнат муҳофаза қилинишини маблағ билан таъминлашда давлат иштирокини таъминлаш бўйича «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун ижроси самараларига эътибор қаратилди.

Иштирокчилар парламент томонидан иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури қабул қилиниб, ушбу дастур ижроси доирасида ҳар йили бир миллионга яқин иш ўринлари ташкил этилаётгани фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланишида муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Жорий йилда ушбу дастур ижроси бўйича кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобидан хотин-қизлар учун 204 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, 107 мингдан ортиқ ёшлар ишга жойлаштирилиб, 19 минг нафардан зиёд ишсиз ёшлар касбга тайёрланди.

Давра суҳбатида меҳнат ҳуқуқини амалга ошириш, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга оид қонунларни замон талабларига мувофиқ тарзда такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар, бу жараёнда алоҳида эътибор қаратилиши зарур бўлиб турган жиҳатлар таҳлил қилинди.

Хусусан, меҳнат ва аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасидаги давлат кафолатларини янада мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий шарт-шароитларини мустаҳкамлаш, ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялашни янада кучайтириш, шу мақсадда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунни такомиллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Мазкур масала бўйича Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзолари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари Ботир Алимуҳамедов, Иқтисодиёт вазирлигининг демография ва меҳнат бозори бўлими бош мутахассиси Эркин Рустамов, шунингдек, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари мутахассисларининг мулоҳаза ва таклифлари тингланди. **Улар, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари билан тузилаётган уч томонлама шартномаларни қонунийлаштириш, хусусий сектор ва фермер хўжаликларида ишлаётган ходимларнинг меҳнат муҳофазасини кучайтириш, ишсизликни қайд этиш тизимини такомиллаштириш, аҳолини иш билан таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотлар иштирокини кафолатлаш,** бу борада ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлашди.

— Давра суҳбатида фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятларини янада кенгайтириш бўйича қатор ҳаётий таклифлар билдирилди, — дейди **ЎзХДП фракцияси аъзоси Улуғбек Ҳожибеков**. — Улар асосида меҳнат ҳуқуқлари амалга оширилиши билан боғлиқ қонунчиликнинг такомиллаштирилиши жамиятимизда бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат муносабатлари янада ривожланишига, фуқароларнинг меҳнат қилиш бўйича Конституцион ҳуқуқлари таъминланиши кафолати кучайишига хизмат қилади. Бу кучли ижтимоий сиёсат юритилиши, ҳар бир фуқаро давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш тарафдори бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари ҳамда электорати манфаатларига уйғун ва ҳамоҳангдир.

Давра суҳбати сўнгида билдирилган таклиф ва тавсиялар умумлаштирилиб, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан аҳоли бандлигини таъминлашга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан «Обод турмуш йили» давлат дастурига тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

Видеомулоқот

«ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»

бўйича қабул қилинадиган Давлат дастурига жамоатчилик томонидан таклифлар билдирилмоқда

РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН «ЎЗТЕЛЕКОМ» ЎҚУВ МАРКАЗИДА ЎТКАЗИЛГАН ВИДЕОМУЛОҚОТДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА БАРЧА ВИЛОЯТЛАР ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАЛАРИ РАИСЛАРИ, ФАОЛЛАРИ, МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ДИНИЙ МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИЛАРИ, ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Гулчеҳра ЭШНАЗАРОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош педиатри:

— Жисмоний имконияти чекланган фарзандларимиз ҳозирги кунда уй шароитида ёки махсус мактаб-интернатларда 9-синфгача таълим-тарбия олишаяпти. Аммо уларнинг айримлари 9-синфни битиргандан кейин республикамиздан узоқдаги махсус таълим муассасаларида ўқишларини давом эттиришига тўғри келади. Бу эса уларга қийинчилик туғдирмоқда. Шу боис имконияти чекланган фарзандларимизга қулайлик яратиш учун Нукусда кўп тармоқли ихтисослашган коллеж очиш, ёки мактаб-интернатларида уларнинг касб-ҳунар эгаллашлари учун шарт-шароит яратиш масаласи Давлат дастурига киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ҳисоблаймиз.

Умида МАРДОНОВА,
Бухоро вилояти, Когон шаҳар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раиси:

— Ёш оила деганда 30 ёшгача бўлган оилалар тушунилади. Лекин 30 ёшдан ошган йигит-қизлар ҳам биринчи бор оила қураётган ҳоллар учраб туради. Шунинг учун бу масалани яна бир бор ўйлаб кўрмоқ лозим, деб ҳисоблайман. Шунда 30 ёшдан ошиб биринчи бор оила қурганлар ҳам Давлатимиз томонидан белгиланган имтиёзлардан фойдаланарди. Бу шундай оилаларнинг турмуш шароитини яхшилашга ёрдам берарди.

Зулайҳо НАЗАРҚУЛОВА,
Жиззах вилояти, Янгиобод туман хотин-қизлар қўмитаси раиси:

— Туман хотин-қизлар қўмитаси қошида ташкил этилган ўқув курсларимизда 150 нафардан ортиқ хотин-қизларимиз танлаган йўналишлари бўйича таҳсил олди. Улардан 14 нафари банкдан кредит олиб мустақил фаолият бошлади. Лекин бу ўқув курслари фақатгина туман марказидагиларни қамраб олди, холос. Туманимиз эса жуда катта. Шунинг учун чекка ҳудудларда ҳам хотин-қизлар учун имтиёзли ўқув курсларини ташкил этиш масаласи Дастурга киритилса, қишлоқ хотин-қизларини касбга йўналтириш, уларни иш билан таъминлаш вазифалари ижобий ҳал этилиши, оилалар обод бўлишига хизмат қилади.

Шоҳида ОРИПОВА,
Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги 4-ихтисослашган мактаб-интернат директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Яқинда Президентимизнинг чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори чиқди. Бу таълим муассасаларида чет тилларни ўрганишда катта имкониятлар яратади. Лекин олий ўқув юртларини битирган ёш аёлларимиз ҳам кўпчилик. Шу боис уларга чет тилларини ўргатиш бўйича маълум имтиёзлар белгиланган ўқув курсларини жойларда ташкил этиш Дастурга киритилса, аёлларимизга яна бир қулайлик яратилган, уларнинг орзулари амалга ошишига ёрдам кўрсатилган бўлар эди.

Шунингдек, видеомулоқотда маҳалланинг ўрни ва таъсирини ошириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, аёлларнинг жамиятда тутган ўрни ва нуфузини янада кўтариш, ёш қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларга қўшимча ҳунарларни ўргатиш каби масалалар бўйича ҳам қатор таклифлар билдирилди.

Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, янада кенгайтиришга келишиб олинди.

Видеомулоқотни Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова олиб борди.

Асрор МЎМИН,
Альбина ЖУМАНОВА

Хориж

ИСИНИБ ОЛИШ МАНЗИЛЛАРИ

жорий этилди

Украинада қаҳратон қиш забтига олмоқда. «Украинские новости» газетаси хабар қилишича, шу ҳафтанинг ўзида совуқдан нобуд бўлганлар сони 40 тага яқинлашиб қолди.

Қаҳратон, айниқса, душанба кечаси ўз «қаҳри»ни яққол намоён этди: шу туннинг ўзида 18 киши ҳаётдан кўз юмди. Умуман, декабрнинг бошидан бери ҳаёт билан видолашганлар 190 тадан ортиб кетди. Айни пайтда совуқда қолиб жабрланганларнинг 162 нафари шифохоналарга ётқизилган.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан маълум қилишларича, кам таъминланган оилаларни совуқдан асраш, умуман, қишдан талафотларсиз чиқиш учун кеча-ю кундуз фаолият олиб борадиган 1,5 мингта исиниб олиш манзиллари жорий этилди. Бу жойларда савуқдан азият чекканларга иссиқ чой, енгил тамадди таклиф этилмоқда.

160 МИНГДАН ОРТИҚ КИШИ

имзо чекди

14 декабрь куни АҚШнинг Коннектикут штатига қарашли Ньютаун шаҳридаги «Сэнди Хук» мактабида 20 ёшли Адам Лэнза 20 нафар ўқувчи, 6 нафар ўқитувчи ва онасини отиб ташлаганидан хабарингиз бор.

Лэнза ўзини ҳам отиб ўлдирган. У «қирғинбарот»ни амалга оширишда 2 та қуролдан — пистолет ва винтовкадан фойдаланган. Пистолет қотилнинг қўлига қандай тушиб қолгани ҳозирча номаълум. Лекин винтовка унинг онаси томонидан бундан бир неча йил аввал қонуний харид қилинган ва уйида сақланган экан.

Ушбу қотилликдан сўнг мамлакат аҳолиси қурол савдосини қатъий назорат қилиш талаби билан АҚШ маъмуриятига мурожаатнома қабул қилди.

Таъкидланиши лозим бўлган жиҳат шуки, дейилади «France-Presse» АА хабарида, атиги уч кун ичида, яъни 14 декабрдан 17 декабргача бўлган муддатда мазкур мурожаатномани 160 мингдан ортиқ киши имзолаган. Экспертларнинг айтишича, мамлакат ҳаёти билан боғлиқ бирор-бир ҳужжат учун имзо йиғишда ҳали бундай уюшқоқлик қайд этилмаган.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда АҚШ аҳолиси қўлида 20 миллионга яқин ўқ отиш қуроллари мавжуд.

ПОЛИОМИЕЛИТГА ҚАРШИ

эмлашга тўсқинлик қилишмоқда

Кейинги 2 кунда Покистоннинг турли ҳудудларида 6 киши номаълум шахслар томонидан отиб ўлдирилган. Марҳумлар БМТ қўллаб-қувватлови остида амалга оширилаётган полиомиелитга қарши оммавий эмлаш жараёнларига ёрдам қўлини чўзган шахслар эди.

«Assiciated Press» АА хабар беришича, уч ҳафта давомида БМТ қўллаб-қувватлови остида 5,2 миллион киши полиомиелитга қарши эмланиши режалаштирилган эди. Аммо мамлакатдаги айрим гуруҳлар бунга қаршилик кўрсатмоқда.

Қотиллар ҳозирча топилгани йўқ. Бироқ бир неча кун аввал «Толибон» ҳаракати вакиллари мазкур кампания ташаббускорларига таҳдид қилган эди.

Маълумки, Покистон полиомиелит касаллиги эндемик тус олган Нигерия ва Афғонистон сингари мамлакатлар сирасига киради. 2011 йилда айнан шу хасталик туфайли 200 нафар бола жабр кўрган.

Тадбир

АЁЛЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА КЎМАКЛАШИЛМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ВА ГЕРМАНИЯНИНГ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЖАМҒАРМА КАССАЛАР ФОНДИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК КЕЛИШУВИ ДОИРАСИДА «АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ РИВОЖИГА КЎМАКЛАШИШ» ЛОЙИҲАСИ ЖОЙЛАРДА МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Мазкур лойиҳа асосида Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Навоий, Сирдарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида тадбиркорлик бўйича «Маслаҳат гуруҳлари» ташкил этилди ва уларнинг фаолияти учун ҳудудий хотин-қизлар қўмиталари қошида тегишли хоналар ажратилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. «Маслаҳат гуруҳлари» чекка ҳудудларда ўз ишини бошлаш истагидаги хотин-қизларга тадбиркорлик учун давлат томонидан яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш, бизнес-режа тузиш, молиявий ҳисоб-китоб юритиш, маркетинг, кредит олиш билан боғлиқ масалаларда керакли маслаҳатлар бериб келмоқда.

Жорий йилнинг май-июнь ойларида Андижон, Наманган, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида ҳам шундай гуруҳлар ташкил этилди.

Лойиҳа асосидаги қайта тикланувчи кредит фондидан 130 нафар аёл 1,98 миллиард сўмлик кредитга эга бўлди. Улар ўз ишини бошлаши натижасида 500 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Айни пайтда 2155 нафар аёл тижорат банкларидан кредит олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган.

Куни кеча Тошкент вилоятининг Ахборот-маслаҳат марказида лойиҳа юзасидан келгуси йил режаларини белгилаш, вилоятнинг олис ҳудудларидаги хотин-қизларларни тадбиркорликка жалб этиш, уларга керакли маслаҳатлар бериш мақсадида ўқув-семинар ўтказилди. Унда вилоят ҳокимлиги вакиллари, тижорат банклари мутахассислари ва хотин-қизлар иштирок этди.

Семинар доирасида тадбиркорликни бошлашда аҳамият бериладиган жиҳатлар, бизнес-режа тузиш, мустақил фаолиятни йўлга қўйишда юзага келадиган муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида фикр алмашилди.

Шунингдек, тадбирда лойиҳа асосида кредит билан таъминланган оилавий тадбиркор аёллар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ахборот хизмати.

Қарор ва ижро

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ, ҚЎШИМЧА ИШ ЎРИНЛАРИНИ КЕНГАЙИШИ ҲАМДА ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ ЯРАТИЛИШИДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИНГ КЎЛАМИ КЕНГАЙИБ БОРАЁТГАНИ МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.

ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР

янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади

Бу ўринда Юртбошимизнинг жорий йилдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларини алоҳида эътироф этиш керак.

Маълумки, ушбу ҳужжатлар талаблари ижроси миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва янги иш ўринларини кенгайтиришга замин яратади.

Фарғона вилоятида жорий йил август-октябрь ойларида Электрон рақамли имзо олиш учун мурожаат этган 2168 та тадбиркорлик субъектлари белгиланган тартибда имтиёзга эга бўлди. Рўйхатга олиш учун ундириладиган тўлов миқдори 10 фоизга камайтирилиши натижасида 15,7 млн сўм маблағ тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида қолдирилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ҳисобот шакллари йирик корхоналарга 2,3 марта, кичик корхоналарга 1,7 марта қисқартирилиши катта самара беради. 2014 йил охирига қадар бир йил давомида топширилиши белгиланган солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг электрон шаклга ўтказилиши натижасида 3,5 миллион донага яқин варақ ёки ўртача ҳисоблаганда йилига 17 тонна қоғоз иқтисод қилиниши таъминланади.

Бундай имтиёзлар туфайли жорий йилнинг тўққиз ойида 3 мингга яқин тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида 29 миллиард сўмдан ортиқроқ маблағлар қолдирилди. Таъкидлаш жоизки, келгуси йил сўнггига қадар вилоятимиздаги барча тадбиркорлик субъектлари статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига тўлиқ ўтади. Бу эса ўз навбатида, тадбиркорларнинг вақти ва маблағини тежайди, ортиқча бюрократик тўсиқларнинг олдини олади. Пировардида, қўшимча иш ўринлари яратилиб, юртдошларимиз ҳаёти фаровонлашувига хизмат қилади.

Мадаминжон АКБАРОВ,
Фарғона вилоят ДСБ бўлими бошлиғи.

Анжуман

АХБОРОТ СОҲАСИ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИДА БАЁН ЭТИЛГАН АХБОРОТ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ, АХБОРОТ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирда таъкидланишича, Президентимизнинг 2011 йил 14 январдаги Фармойиши билан тасдиқланган Концепцияни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган Дастурда Матбуот ва ахборот агентлиги зиммасига юклатилган «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари ва ахборот олиш соҳасидаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ишлари якунига етказилди. Уларнинг барчаси ўрнатилган тартибда халқаро ва миллий анжуманларда кенг жамоатчилик иштирокида атрофлича муҳокама қилинди ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишувдан ўтказилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Мутахассисларнинг қайд этишича, мазкур қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда соҳа экспертлари жорий йилнинг 19-28 ноябрь кунлари Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти лойиҳаси доирасида ахборот соҳасидаги қонунлар билан танишиш ва қонун ижодкорлиги борасида тажриба алмашиш мақсадида Франция ва Германия давлатларида бўлиб, қонунчилик амалиётини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланди.

Айни чоғда «2012-2016 йилларда босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, ахборот хизматларини кўрсатиш соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш, босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича истиқболли лойиҳалари ва дастурларини қўллаб-қувватлаш» чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, мамлакатимизда журналистларни маънавий, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор танловлар мунтазам ўтказилиб келинмоқда. «Олтин қалам», «Энг азиз, энг улуғ», «Йилнинг энг фаол журналисти» каби танловлар ва «Миллий форум» ҳамда «Ўзбекистон матбуоти» кўргазмалари шулар жумласидандир.

Тадбир сўнгида Агентлик ходимлари томонидан журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.

Фармонбек МАТНАЗАРОВ,
«Туркистон-пресс».

Реклама

КАРАКАЛПАКСКИЙ ФИЛИАЛ ООО «АГРОСАНОАТ МУЛК МАРКАЗИ» СООБЩАЕТ:

21 января и 5 февраля 2013 года в 12.00 часов в городе Нукусе в зале заседания Комитета по демонополизации и развитию конкуренции Республики Каракалпакстан проводятся аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляется на продажу:

1. Арестованные отделением департамента по исполнению судебных решений Ходжейлийского района согласно решению суда по УД Ходжейлийского района выставляется автомашина марки «ВАЗ-2109», 1990 года выпуска, г/н 23 М 04-99. Начальная цена 4 500 000 сум.

2. Автотранспортные средства, принадлежащие государственному таможенному управлению Республики Каракалпакстан:

— Автомашина марки «ГАЗ-3110», 2000 года выпуска, г/н 95 794 GAA. Начальная цена 3 630 809 сум.

— Автомашина марки «Нексия» GLE, 1999 года выпуска, г/н 95 791 GAA. Начальная цена 6 723 863 сум.

— Автомашина марки «Нексия» 1999 года выпуска, г/н 95 795 GAA. Начальная цена 6 488 323 сум.

